

**“ГАЙРИИЖТИМОЙ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ШАХСЛАР БИЛАН
ИШЛАШДА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ”**

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академияси 3-ўқув курси курсанти
Рамазона Рушона Шухратовна**

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси
Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини
таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант
Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли*

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, хусусан, якка тартибдаги профилактиканинг моҳияти, аҳамияти ҳамда уни ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларга нисбатан қўллаш амалиёти таҳлил қилинган. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида профилактиканинг турлари ёритилиб, якка тартибдаги профилактиканинг шахсга йўналтирилган, тарбиявий ва ижтимоий-психологик таъсирга асосланган самарали механизм экани асослаб берилган.¹ Шунингдек, профилактика инспекторлари фаолияти, идоралараро ҳамкорлик ва амалиётда учраётган муаммолар таҳлил қилиниб, тизим самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, якка тартибдаги профилактика, ғайриижтимоий хулқ-атвор, профилактика инспектори, ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357> (моддалар: 3, 6, 28–39 ва бошқалар).

реабилитация, профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, виктимологик профилактика, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқий онг.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими тубдан ислоҳ қилиниб, жиноятчиликка қарши курашишда репрессив усуллардан кўра, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик ёндашувга устувор аҳамият берилмоқда. Давлат сиёсатининг мазкур йўналишида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Айниқса, «Хавфсиз маҳалла» ва «Хавфсиз ҳудуд» тамойилларининг жорий этилиши ички ишлар органлари фаолиятида, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари олдига янги ва масъулиятли вазифаларни қўйди². Мазкур тамойиллар ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этиш орқали жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамиятда барқарор ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ–371-сон Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини белгилаб, унинг мақсад, вазифа ва турларини аниқ ифодалаб берди³. Мазкур Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарори “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (ўзгартиришлар билан, жумладан 2024 йил 6 февраль ҳолатига). <https://lex.uz/ru/docs/3141186?ONDATE2=06.02.2024&action=compare> (2-банд ва бошқа тегишли қисмлар, “Хавфсиз маҳалла” тамойилига мувофиқ ислохотлар контекстида).

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357> (моддалар: 3, 6, 28–39 ва бошқалар).

ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими сифатида таърифланади.⁴

Қонунга мувофиқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўрт турга — умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикага ажратилади. Ушбу тизимда якка тартибдаги профилактика алоҳида аҳамият касб этиб, у ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган аниқ шахсларга нисбатан қўлланиладиган индивидуал чора-тадбирлар мажмуасини ифодалайди. Якка тартибдаги профилактика умумий профилактиканинг оддий давоми эмас, балки шахсга қаратилган, мақсадли ва индивидуал ёндашувга асосланган мустақил профилактика шакли ҳисобланади. Бунда шахснинг хулқ-атвори, ижтимоий муҳити, ҳуқуқий онги, ҳаёт тарзи ва ҳуқуқбузарликка мойиллик даражаси комплекс тарзда инобатга олинади.

Қонун якка тартибдаги профилактик чораларни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини белгилаб берган. Жумладан, профилактик суҳбат ваколатли мансабдор шахс томонидан шахснинг яшаш, иш ёки ўқиш жойида, ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилиши мумкин. Суҳбат давомида шахсга ҳуқуқий тушунчалар берилади, унинг хатти-ҳаракатлари таҳлил қилинади ва тарбиявий таъсир кўрсатилади. Шунингдек, расмий огоҳлантириш якка тартибдаги профилактиканинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, у шахсни кейинчалик ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийишга қаратилган ёзма огоҳлантирувчи чора ҳисобланади. Зарур ҳолларда шахс профилактик ҳисобга олинади, бу эса унинг хулқ-атворини мунтазам мониторинг қилиш ва тизимли назоратни таъминлашга хизмат қилади.

Якка тартибдаги профилактика, айниқса, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлашда муҳим аҳамият касб этади. Ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар деганда жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормалари ва ижтимоий қоидаларни мунтазам равишда бузувчи, бироқ ҳар доим ҳам жиноят

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357> (моддалар: 3, 6, 28–39 ва бошқалар).

ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлиши мумкин бўлган шахслар тушунилади. Бундай шахслар ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мойиллик, оилавий жанжаллар, ишсизлик, дарс қолдириш, дайдилик каби ҳолатлар билан тавсифланади ва уларда ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлади. Шу сабабли қонунчиликда ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни барвақт аниқлаш ва улар билан якка тартибда профилактик иш олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ–407-сон Қонун, шунингдек Президент қарорлари, хусусан 2017 йилда қабул қилинган ПҚ–2833-сон қарор ташкил этади.⁵ Мазкур қарорда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган.⁶ Амалиётда ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлаш уларни аниқлаш ва ўрганишдан бошланади. Профилактика инспекторлари томонидан шахснинг турмуш тарзи, оилавий муҳити, иш ёки ўқиш жойи, психологик ҳолати таҳлил қилиниб, индивидуал профилактика режаси ишлаб чиқилади. Профилактик суҳбатлар, ҳуқуқий тушунтириш ишлари, расмий огоҳлантиришлар, профилактик ҳисоб, шунингдек ижтимоий ва психологик кўмак кўрсатиш ушбу ишларнинг асосий шакллари ҳисобланади. Зарур ҳолларда бандлик органлари, психологлар, ижтимоий ходимлар, маҳалла ва жамоатчилик институтлари жалб этилади.

Ушбу жараёнда қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва кадр-қимматига ҳурмат, индивидуал ёндашув, ишонтириш ва тарбиявий таъсир усуллариининг устуворлиги ҳамда профилактика ишларининг узлуксизлигига қатъий риоя

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг ваколатлари бўйича). <https://lex.uz/docs/3027843> (4, 15, 16-моддалар ва бошқалар).

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг ваколатлари бўйича). <https://lex.uz/docs/3027843> (4, 15, 16-моддалар ва бошқалар).

қилиниши лозим. Асосий мақсад шахсни жазолаш эмас, балки уни ижтимоий фойдали хулқ-атворга йўналтириш, ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфини бартараф этиш ва жамият хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Умумий олганда якка тартибдаги профилактика ва ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар билан ишлаш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида ўзаро узвий боғлиқ, самарали ва муҳим йўналиш ҳисобланади. Ушбу фаолият қонунчиликка мувофиқ равишда индивидуал суҳбатлар, расмий огоҳлантиришлар, профилактик ҳисоб, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий кўмак ҳамда давлат органлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги орқали амалга оширилиб, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ–371-сон) билан мустаҳкамланган бўлиб, унда профилактиканинг тўрт асосий тури — умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика белгиланган. Умумий профилактика кенг жамоатчиликка қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади ижтимоий муҳитни соғломлаштиришдан иборат. У давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш каби чора-тадбирларни қамраб олади. Махсус профилактика муайян хавфли гуруҳлар ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланилади. Бу йўналишда илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтган шахсларни жамиятга мослаштириш, алкоголизм ва гиёҳвандликка қарши курашиш, шунингдек, мастлик ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар муҳим аҳамият касб этади. Виктимологик профилактика эса жиноят қурбонига айланиш хавфини камайтиришга қаратилган бўлиб, эҳтимолий жабрланувчилар билан индивидуал ишлаш, аҳолини ўзини ҳимоя қилиш ва низоларни тинч йўл билан

ҳал этиш кўникмаларига ўргатиш, хавфли ҳудудларни назорат қилиш, ишонч телефонлари ҳамда рақамли огоҳлантириш механизмларини жорий этишни ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим ва самарали йўналишларидан бири — якка тартибдаги профилактика ҳисобланади. Якка тартибдаги профилактика деганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, ҳисобга олиш ҳамда уларга тарбиявий ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишга қаратилган тизимли фаолият тушунилади. Якка тартибдаги профилактикада шахсининг индивидуал хусусиятлари, ижтимоий муҳити, турмуш тарзи, маиший шароитлари, ғайриижтимоий ҳуқ-атвори, ҳуқуқбузарликка мойиллик даражаси ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси асосий мезон сифатида инобатга олинади. Бунда профилактика чораларини қўллаш учун ишончли маълумотлар мавжуд бўлиши шарт бўлиб, мажбурловчи ёки чекловчи чора-тадбирлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилиши лозим. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади. Амалиётда якка тартибдаги профилактика профилактика суҳбати ўтказиш, расмий огоҳлантириш бериш, профилактик ҳисобга олиш, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, мажбурий даволанишга юбориш ҳамда маъмурий назорат ўрнатиш каби аниқ чора-тадбирлар орқали амалга оширилади. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормаларига риоя қилишга ишонтириш, ғайриижтимоий ҳуқ-атворнинг салбий оқибатлари ва ҳуқуқий жавобгарликни тушунтиришга қаратилган бўлиб, суҳбат давомида шахсининг шахсий хусусиятлари ва ғайриижтимоий ҳуққа олиб келган сабаблар чуқур ўрганилади. Расмий огоҳлантириш эса ёзма равишда шахсни ғайриижтимоий ҳуқ-атворни давом эттириш мумкин эмаслиги ҳақида хабардор қилишни назарда тутди. Шунингдек, ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ёки

хуқуқбузарликка олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида иш берувчи ёки маҳалла фуқаролар йиғини органларини хабардор қилиш амалиёти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қонунда ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш хуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворли ёки хуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва педагогик ёрдам кўрсатишга қаратилган чоралар мажмуи сифатида таърифланади.

Ғайриижтимоий хулқ-атвор сабабларини таҳлил қилишда психологик, ижтимоий ва биологик омилларни ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш муҳимдир. Бундай хулқ якка бир сабаб натижаси эмас, балки кўп омилли, мураккаб жараён бўлиб, унда шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари, ахлоқий қарашлари ва ижтимоийлашув даражаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда ғайриижтимоий хулқ ижтимоий дезадаптация, яъни жамият қадриятларига мослаша олмаслик ва ўзини ўзи бошқариш қобилиятининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлади. Хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фаолияти Ички ишлар вазирининг буйруқлари билан тасдиқланган тегишли низомлар асосида ташкил этилади. Профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудни мунтазам кўздан кечириш, аҳоли билан яқин мулоқот қилиш, хуқуқбузарлик эҳтимоли юқори бўлган жойлар ҳамда назоратдаги шахслар устидан доимий кузатув олиб бориш вазифаларини бажаради. Шунингдек, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир» ва «Ғамхўрлик» каби махсус профилактик тадбирлар амалга оширилади. Шу билан бирга, амалиётда профилактика инспекторларининг ортикча бюрократик юклама билан бандлиги, якка тартибдаги профилактика чораларининг формал тус олиши, виктимологик профилактикага етарли эътибор қаратилмаслиги, рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ҳамда идоралараро ҳамкорликдаги муаммолар тизим самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат «Хавфсиз маҳалла» тамойилини тўлиқ амалга оширишга

тўсқинлик қилмоқда. Умумий олганда якка тартибдаги профилактика ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шахсга йўналтирилган, ҳуқуқий таъсир чоралари ва ижтимоий-психологик ёрдамни ўзаро уйғунлаштирган самарали механизм ҳисобланади. Ушбу тизимни рақамлаштириш, илмий ва психологик ёндашувларни кенг жорий этиш ҳамда профилактик фаолиятни проактив шаклга ўтказиш жамиятда қонун устуворлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, якка тартибдаги профилактика ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида шахсга қаратилган, комплекс ва самарали йўналиш ҳисобланади. У ғайриижтимоий ҳуқ-атворли шахсларни барвақт аниқлаш, улар билан индивидуал профилактик иш олиб бориш, ҳуқуқий онг ва ижтимоий масъулиятни шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур фаолиятда қонунийлик, инсон ҳуқуқларига ҳурмат, ишонтириш ва тарбиявий таъсир усуллариининг устуворлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, профилактика ишларини рақамлаштириш, психологик ёндашувларни кучайтириш ва идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Якка тартибдаги профилактикани изчил ва мақсадли ташкил этиш жамиятда қонун устуворлиги, жамоат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 753-XII-сон Қонуни «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида» (2021 йил 29 январдан кучини йўқотган, ЎРҚ-644-сон Қонун билан алмаштирилган). – <https://lex.uz/docs/110156>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон Қонуни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» (3, 6, 28–40-моддалар ва бошқ.). – <https://lex.uz/docs/2387357>

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни «Ички ишлар органлари тўғрисида» (4, 15, 15¹, 16-моддалар ва бошқ.). – <https://lex.uz/docs/3027843>

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ-644-сон Қонуни «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида» (мажбурий даволаш тартибини тартибга солувчи асосий хужжат, 753-ХII-сон Қонуннинг ўрнини эгаллаган). – <https://lex.uz/docs/5069150>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни ўтказилган «Жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши» материаллари. – <https://president.uz/uz/1914>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни (профилактика инспекторлари ва ички ишлар органларининг ваколатлари бўйича). <https://lex.uz/docs/3027843> (4, 15, 16-моддалар ва бошқалар).

7. Ahmad o'g'li S. M. NOGIRONLIGI BO'LGAN SHAXSLARNING SHAXSIY HUQUQ VA ERKINLIKLARINI TA'MINLASHNING MILLIY MEKANIZMLARI //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 482-489.

8. Ahmad o'g'li S. M. et al. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ //Modern education and development. – 2025. – Т. 26. – №. 1. – С. 171-176.

9. Чориев М. А. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ //ХАБАРШЫСЫ. – 2022. – Т. 3. – С. 156.

10. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.

11. Ahmad o'g'li С. М. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.
12. ЧОРИЕВ М. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАСНИФИ //UNIVERSITETI XAVARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
13. Фозилов У. Э. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 9. – С. 4-8.
14. Фозилов У. Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. – 2009.
15. Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.
16. Ниматов Ш. Н. и др. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 229-243.
17. Ниматов Ш. Н. и др. АЁЛЛАР ЎРТАСИДА РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИК: САБАБЛАР, ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИК ЁНДАШУВЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 365-379.
18. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.

19. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 380-392.

20. Ниматов Ш. Н. и др. ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ҲАМДА Е-ЎТИМОИҲ ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИ: АХЛОҚҚА ҚАРШИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 450-465.

21. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ‘МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ’БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 436-449.